

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ**

**“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

№ 250845

Хоразм вилояти кўрғасин

беш бешкармаси

## Улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш Шартномаси

20 22 йил "27 декабр 250845 сон

Урнатил  
(шартнома тузилган жой)

Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақами:

2	5	0	8	4	5
---	---	---	---	---	---

Хоразм худудий электр тармоқлари АЖ Урнатил  
туман (ш.қ.ш.) электр таъминоти корхонасида 202    йил "  "    да  
руйхатдан ўтказилган    – сон ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбари

(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда  
иккинчи томондан Улгуржи истеъмолчи (кейинги ўринларда Истеъмолчи деб  
аталади)

Хоразм вилояти қурилиш ва бошқаруш  
раҳбари Каримов Б.П.  
(Истеъмолчи корхонанинг ушбу объект раҳбарининг ёки ишончли акадентининг Ф.И.Ш.)

Билан Шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда –  
Шартнома деб аталади) мувофиқ, Таъминотчи корхона Истеъмолчига электр  
энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол  
қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив энергияси 72221 кВт/соат;

реактив энергияси    кВар/соат.

2.2. Етказиб бериладиган электр энергиянинг шартнома тузилган кундаги  
тахминий нархи 5499450 сўмни, тариф бўйича 450 сўмни ташкил  
этади. Тариф турлари   

*табақалаштирилган, бир ставкали, аҳоли нархи ва бошқалар (тегишлиси ёзилади)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар  
кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун  
электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди қайд этилган стратегик ва ижтимоий  
аҳамиятга эга истеъмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал  
ҳажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича Истеъмолчи билан белгиланган ва  
олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлашни шарт (7-илова).

2.4. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ  
тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада келтирилган хисобга

олиш приборларининг курсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток  
ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини инобатга  
олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчининг (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр  
энергиясини ҳисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга  
олишнинг бошқа воситалари (ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар  
ва бошқалар) истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат  
қиёсловидан ўтказилади, Таъминотчи корхона томонидан бепул ўрнатилади,  
пломбалади ва руйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр энергиясини ҳисобга олиш электрон  
приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, руйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан  
ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) ҳисобга олиш  
асбоблари Таъминотчи корхона маблағлари ҳисобидан алмаштирилади.

Ҳисобга олиш Истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва  
кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи  
коммутация, ҳисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши)  
ҳисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни  
алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш истеъмолчи  
томонидан улар қиймати ва курсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда,  
Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган,  
усиб боровчи, камаювчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган  
тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет  
ташкilotлари, сув таъминоти ташкilotлари, фермер хўжаликлари ва сув  
истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан  
молиялаштирилладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун  
ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-  
китоблар:

ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат <sup>900</sup> дан <sup>1700</sup> гача) – белгиланган  
тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика  
тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат <sup>600</sup> дан <sup>900</sup>  
гача, кечки энг катта миқдор соат <sup>1700</sup> дан <sup>2200</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан  
1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида:  
<sup>2200</sup> дан <sup>2400</sup> гача ва <sup>0000</sup> дан <sup>600</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар  
камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга  
қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия  
учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив  
энергияни ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари асосида аниқланади ҳамда  
тегишли равишда истеъмол қилинган (ҳосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар/соат  
учун тўлов тарзида ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада қўрилган ва ўрнатилган тартибда аниқланганидан қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб Истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Таъминотчи корхона Истеъмолчи (ёки унинг вакили) билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб куриши ваколатига эга.

Таъминотчи корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида Таъминотчи корхонага белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот ҳам истеъмол қилинган амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича электр энергияси сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергияси (актив ва реактив) тулик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергияси ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ЭҲНАТ деб аталади) жорий этилган истеъмолчиларда ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб

чиқилади ва Таъминотчи корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига электр энергияси етказиб бериш 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

ЭҲНАТга уланган ёки олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмаси ва ҳисобга олиш приборига эга бўлган Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов доирасида амалга оширилади.

Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнадан ойна охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур Истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Таъминотчи корхона Истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

Таъминотчи корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда Истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. Агар махсус дастурий маҳсулот орқали етказиш имконият мавжуд бўлмаса ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағи ёзма шаклда бералади.

*(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг ҳисобига ўтказилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича Истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, Истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси

технологик сарфининг бир қисми, Истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи туғрисидаги ҳисобот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори туғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истеъмолчининг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки Истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдоридан тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йуналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тулиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун Истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдоридан, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдоридан пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида узаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
ҳисоб-китоблар уз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд булганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақиларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йул қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралаштириш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тароҳ қилиш ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалар (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади)ни бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда;

Суд органларининг қонуний қучга кирган қарорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тадбиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг қонуний қучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор булган Истеъмолчига қарзни беш кун ичида тўланиши ҳақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда булган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан ҳақ ундирилади. Бунда, ЭХНАТга уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқиб қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта уланиши учун ҳақ ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинандиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи идоравий ва муниципал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаландиган локал қозонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (бўлмасига) ташқаридан

таъсир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўғирланган ҳолларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича қонидани бузиш далолатномасини тузади. Ушбу далолатнома асосида Таъминотчи корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймаги Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, улчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тугмасига (булмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташқари электр қабул қилгичлар кўз билан аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбоблари охириги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ булмаган муддатда;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўғирланган тақдирда – охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ булмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қийматини ҳисоб-китоб қилишда қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга ошириладиган вақтдаги тариф қўлланилади. Бунда I тариф гуруҳидаги Истеъмолчилар учун ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юкланиш соатларида амал қиладиган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар, электр энергияни ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кура, кўрсатилган муддатда (улчаш трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати истеъмолчи ва ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг узаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги белгиланган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истеъмолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Қоидаларни бузган Истеъмолчи электр қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

Истеъмолчи далолатномани имзоланиши рад этган тақдирда, қоида бузиш далолатномасида истеъмолчини таништирганлик тўғрисида белги қўйилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Таъминотчи корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Таъминотчи корхонага истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун туланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

##### 4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун уз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекцияси”нинг ёзма кўрсатмаларини уз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Таъминотчи корхона вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига буюртманомга бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун

электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭҲНАТда муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўсқинлик қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи корхонанинг талабига қўра қуйдагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг қўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг қўп юкламасининг утиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйдагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта қўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан қўп энергия сарфлайдиган усқуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тadbирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Таъминотчи корхона томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### 4.3. Таъминотчи корхона қуйдаги ҳуқуқларга эга:

